

## Бўлажак Муҳандисларга Чет Тилини Ўқитиш Асосида Касбий Компетентлигини Моделлаштириш

*Шаропова Шахло Қахрамоновна<sup>1</sup>*

**Аннотация:** Бўлажак муҳандиснинг чет тилини билиши мезони бу уларнинг келажакдаги касбий фаолияти билан боғлиқ мақсадларни белгилашдир. Мақсадларнинг биринчи даражаси, уларнинг янгилиги, ўзига хослиги, мослашувчанлиги, барқарорлиги, асослилиги ва реализми; иккинчи даража - бу талабаларни уларни тўғирлаш орқали ютуқларидаги тўсиқларни енгиб ўтиш қобилиятидир. Учинчи даража - бу ўз-ўзини тарбиялаш жараёнида мақсадларни мустақил равишда белгилаш қобилиятидир.

**Калит сўзлар:** муҳандис, чет тили, когнитив, прагматик, педагогик, компетенция.

Касбийлаштириш ва инсонпарварлаштириш ижтимоий детерминация қилинган олий таълим жараёнининг марказий дидактик йўналиши ҳисобланади. Улар инсон олдида қўйиладиган ижтимоий талабларнинг икки қисмга, яъни ишлаб чиқариш (унга бўлажак мутахассис сифатида қўйиладиган талаблар) ва ахлоқий, маънавий (унга фуқаро сифатида қўйилган талаблар). Мазкур қарама-қаршиликни ҳал қилиш ҳозирги замон даврида олий таълимнинг асосий вазифасини белгилайди. Олий таълимнинг мақсади янги турдаги мутахассиснинг узлуксиз умумий ва касбий ривожланиши бўлиб, уни қуйидагилар тавсифлайди:

- юқори даражада фуқаролик масъулияти ва ижтимоий фаоллик;
- ҳақиқий билимдонлик, маънавий маданият, шериклар билан ишлашга бўлган хоҳиш ва кўникма;
- юқори даражадаги касбий маҳорат, илмий-техникавий тафаккурнинг инновацион йўналиши, янги кадриятларни яратиш ва ижодий қарорларни қабул қилиш;
- доимий равишда мустақил таълим олиш ва унга тайёрлик;
- жисмоний ва руҳий соғлиқ, касбий меҳнатга лаёқатлилиқ.

ОТМда таълим олишни кучайтириш билан боғлиқ дидактик йўналишни тадқиқ этишга кўпгина тадқиқотлар бағишланган. Юқорида қайд этилган тадқиқотларда олий таълимнинг мазмуни белгилаган бўлиб, у 1-жадвалда кўрсатилган блоклар ва модуллардан иборат.

### *1-жадвал* Олий техник таълимнинг мазмуни

Олий техник таълим мазмунининг блоклари		
Умуммаданий блок	Психологик блок	Фан блоки
Қуйидаги модуллардан иборат: -методологик; -аксиологик; -тарихий-маданий, -ижтимоий-	Қуйидаги модуллардан иборат: -йўналтирувчи; -назарий-методологик; - фаолиятли	Қуйидаги модуллардан иборат: - умумий, илмий билиш билан боғлиқ; - интеграциялашган, илмий йўналишдаги тармоқларни бир бутунга бирлаштирувчи; - махсус

<sup>1</sup> “ТИҚХММИ” МТУ Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти



иқтисодий; -табiiй-илмiiй; -коммуникатив		
------------------------------------------------	--	--

Олий техник таълимнинг мазмуни унинг асосий блоклари (умуммадания, психологик, ўқув фан)ни эгаллаш ОТМда чет тилларини ўқитишга нисбатан ташқи чегара бўлиб хизмат қилади. Техника олий таълим муассасаси талабаларининг чет тилидан коммуникатив компетентлигини шакллантириш, муайян ижтимоий маданий вазиятда, олий таълим тизимида, чет тилларини ўрганиш жараёнида мутахассиснинг алоқа маданиятини шакллантириш жараёни доирасида амалга оширилади.

Хорижий тилга ўқитишнинг мақсади – бу ижтимоий ва педагогик нуқтаи назардан детерминация қилинган мезондир. ОТМда чет тилларига ўқитишнинг мазмунини халқаро ва маданиятлараро даражада касбий ва шахий мулоқотда иштирок этишга қодир талаба шахсиятини шакллантиришни назарда тутуди (ўзаро алоқадорликда – интеракция). Бўлажак муҳандиснинг шахсиятини тарбиялаш ва шакллантиришнинг қутилаётган натижаси сифатида чет тилида коммуникатив компетентлигини шакллантиришни кўриб чиқамиз. Чет тилларига ўқитишнинг мақсади сифатида учта жиҳатни ажратамиз: когнитив, прагматик, педагогик. Мазкур жиҳатларга олий таълим хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ўзгартириш киритамиз ва уларни 2-жадвалда акс эттирамиз.

**2-жадвал Чет тилларига ўқитишнинг мақсади ва асосий жиҳатлари**

Когнитив жиҳат	Прагматик жиҳат	Педагогик жиҳат
Тафаккур ва тушуниш, рефлексия, интерпретация, талабага чет тилини ўқитишда мазмунда ўз аксини топган, бошқа халқнинг маданияти, тили ўрганилаётган мамлакатнинг кадриятларига ошуфта қилиш билан боғлиқ	Маданиятлараро касбий ўзаро алоқаларда чет тидан амалий фойдаланиш, талабаларда самарали касбий ўзаро муносабатларни амалга ошириш кўникмалари ва уқувини шакллантиришда ундан фойдаланиш билан боғлиқ	Талабанинг қуйидаги сифатларини ривожлантириш билан боғлиқ: очиклик, бардошлилик, бағрикенглик, маданиятлараро мулоқотга тайёрлик, мустақиллик, ижодкорлик. Ўзга миллий менталитетни тушунишга қодирлик. Ўқиш ва билишга эҳтиёж. “Ўз она маданияти” кадриятлари ва “хорижий тил, ўзга маданият”га қизиқиш орасидаги тенгликни ўрнатишга қодир

Ҳар бир жиҳатга муайян таълим мазмуни тўғри келиб, улар бошида компетенцияларни, сўнгра улар асосида компетентликни шакллантиради.

Бўлажак муҳандисларни чет тилидаги коммуникатив компетентлигини шакллантириш мақсадида таълим мазмунини танлашда бир қатор омилларни ҳисобга олиш зарур:

1. Шахсий омил. Фаолиятнинг барча соҳаларида шахсий омил аҳамиятининг ошиши ҳар қандай фанни ўрганишда янги, антропоцентриқ ёндашувнинг зарурлигини шартлайди.
2. Илмий-техникавий тараққиётни гуманизм ғоялари билан бирлаштириш.
3. Чет тилларини билиш бўлғуси бўлажак муҳандиснинг касбий тикланиши ва унинг ижтимоийлашуви жараёнида зарурий омилдир.
4. Техника ОТМлар учун мавжуд чет тили дарсларига технократизм тафаккури омилнинг кириб келиши.



Таълим мазмунини ташкил қилишнинг асосий вазифаларидан бири талабаларнинг касбий ва гуманитар йўналишларини тенг мувозанатга келтиришдан иборат. Таълим мақсадлари ва ўқитишнинг мазмунига мувофиқ тарзда компетенцияларнинг тўртта гуруҳини ажратамиз ва уларни таълим жараёнининг натижаси сифатида баҳо берамиз.

1. Когнитив компетенция, чет тили соҳасида билим, кўникма ва уқувларини эгаллаш.
2. Прагматик-коммуникатив компетенция, «Қила оламан – биламан». Касбий-техник фаолият соҳасида “чет тили”, “чет маданият” соҳасда шаклландиган билим ва кўникмаларни эгаллаш.
3. Эмпатик компетенция ёки индивиднинг лингвомаданий таъсирга ҳиссий-баҳолаш муносабатда бўлишга ёрдам берувчи тажрибага эга бўлиши.
4. Гносеологик компетенция. «Кейинчалик нима қилишни тушунаман». У тафаккур ва тушуниш, интерпретация, талабани чет тилига, ўзга халқ – тил ташувчисининг маданиятига ошуфта қилиш билиш боғлиқ.

Таклиф қилинган компетенцияларни таҳлил қилиш компетенцияларнинг пропорционал ўзаро алоқадорлигини, билимларга тайёрлик, универсал компетенцияларни ажратиш имконияти ва ҳозирги кунда биз учун долзарб бўлган компетенцияларни келажакда талаб қилинадиганлари билан ўзаро алоқадорлигини аниқлаш учун ўтказилди.

Бўлажак муҳаниснинг чет тилини билиши мезони бу уларнинг келажакдаги касбий фаолияти билан боғлиқ мақсадларни белгилашдир. Биз мақсадларни икки даражага ажратамиз. Мақсадларнинг биринчи даражаси, уларнинг янгилиги, ўзига хослиги, мослашувчанлиги, барқарорлиги, асослилиги ва реализми; иккинчи даража - бу талабаларни уларни тўғирлаш орқали ютуқларидаги тўсиқларни енгиб ўтиш қобилиятидир. Учинчи даража - бу ўз-ўзини тарбиялаш жараёнида мақсадларни мустақил равишда белгилаш қобилияти. Бу даража шахсиятни ривожлантиришда тубдан янги босқичнинг бошланишини англатади ва ўсмирлик ва эрта ўсмирлик даврида ўз-ўзини англашнинг этарлича юқори даражаси билан боғлиқ бўлади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Белозерцев Е.П., Гонеев А.Д., Пашков А.Г. и др. Педагогика профессионального образования: Учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений / Под ред. В. А. Сластенина. - М.: Издательский центр «Академия», 2006. - 368 с.
2. Буланова-Топоркова М.В. Педагогика и психология высшей школы: учеб. пособие. – Ростов н/Д : Феникс, 2002. – 544 с.
3. З.Исроилова Д.М. Нофилологик олий ўқув юртларида талабаларни фанлараро боғлиқликда касбга йўналтирилган инглиз тилига ўқитиш Т.2020.-58 б
4. Кадилова М.Р. Тилларга ихтисослашмаган олий таълим муассасалари талабаларига чет тилини ўргатишда ижодий фаолликни модернизациялаш. Пед.ф.ф.док.(PhD) дисс.автореф. - Т.2018.-46 б.
5. Qahramonovna, S. S. (2020). TEACHING FOREIGN LANGUAGE USING INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGY IN PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL ASPECTS. International Engineering Journal For Research & Development, 5(8), 5-5.
6. Sharopova, S. K. (2018). PECULIARITIES OF ARTICLE OMISSION IN MODERN ENGLISH LANGUAGE. Теория и практика современнойнауки, (4), 594-596.
7. Sharopova, S. Q. (2017). INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA OMONIM VA SINONIM SO'ZLARNING TAHLILI. Интернаука, (9-3), 50-52.
8. Sharopova, S. K. (2016). ANALYSIS OF SYNONYMS IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES. Ученый XXI века, (6-1), 60-62.



9. Шаропова, Ш. К. (2018). Развитие системы профессионально-ориентированного обучения иностранным языкам в техническом вузе на основе предметно-языковой интеграции. Школабудущего, (4), 123-129.
10. Shahlo, S. (2020). PEDAGOGICAL CONDITIONS FOR THE FORMATION OF TRUE AUTHORITY OF THE TEACHER. INTERNATIONAL JOURNAL OF DISCOURSE ON INNOVATION, INTEGRATION AND EDUCATION, 1(3), 21-26.
11. Шаропова, Ш. К. (2018). КОММУНИКАТИВНЫЙ ПОДХОД К ИЗУЧЕНИЮ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА. АКАДЕМИЧЕСКОЕ ПИСЬМО. ББК 1 Р76, 119.
12. Шаропова, Ш. РАБОТА С ПРОФЕССИОНАЛЬНЫМИ ТЕКСТАМИ ПРИ ОБУЧЕНИИ ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЯХ ТЕХНИЧЕСКОЙ НАПРАВЛЕННОСТИ КАК СРЕДСТВО ФОРМИРОВАНИЯ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОГО СПЕЦИАЛИСТА. Проблеми та перспективирозвитку сучасної науки в країнах Європи та Азії, 43.
13. Sharopova, S. K. (2018). THE ROLE OF GAMES IN TEACHING ENGLISH. Теория и практика современной науки, (4), 596-598.
14. Шаропова, Ш. К. (2016). СЕМАНТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ СИНОНИМОВ. Ученый XXI века, 70.
15. Sharopova, S. Q. SEMANTIC PECULIARITIES OF SYNONYMS. УЧЕНЫЙ XXI ВЕКА, 69.
16. Шаропова, Ш. К. (2016). СОЕДИНЕНИЕ ПСИХОЛОГИИ И ЛИТЕРАТУРЫ. Ученый XXI века, (2-2).
17. Шаропова, Ш. К. (2016). АНАЛИЗ СИНОНИМОВ В АНГЛИЙСКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ. Ученый XXI века, 62.

